# Хабар

XABAR

خبر

*Ўзбекистон Республикаси Алоқа Вазирлиги нашри*

1992 йил мартдан чиқа бошлаган ● 1997 йил, 17 январь № 3 (231) ● Сотувда нархи эркин

***Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлиги ҳайъатининг кенгайтирилган йиғилишида республика алоқа корхоналарининг 1996 йилги ижтимоий-иқтисодий фаолияти якунлари атрофлича муҳокама қилинди. Унда алоқа корхоналари ва ташкилотлари, концернлар, ижара ва қўшма корхоналар раҳбарлари, вилоятлар алоқа касаба уюшмаларининг раислари ва бошқа тармоқ бўлинмаларидан вакиллар қатнашди. Йиғилишда Алоқа вазири А. Ҳ. Жўрабоев «Республика алоқа корхоналарининг 1996 йилги ижтимий-иқтисодий фаолияти якунлари ва 1997 йилда иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишдаги асосий вазифалар» тўғрисида маъруза қилди.***

## АСОСИЙ ВАЗИФА – ИСЛОҲОТЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШ

Вазир ўз маърузасида соҳада олиб борилаётган ишларнинг барчаси ҳукуматимизнинг республикамиз гуллаб яшнаши ва халқимиз фаровонлигини ошириш борасидаги сиёсатини ҳаётга тадбиқ этишга қаратилганлигини алоҳида таъкидлади.

Ўтган йили алоқа корхоналарида қатор ислоҳотлар дастури бирмунча уюшқоқлик билан олиб борилди. Бу эса кўзда тутилган вазифаларни бажаришга имкон берди. Барча алоқа корхоналари бўйича 8,3 миллиард сўм даромад олинди, аҳолига 1,7 миллиард сўмлик алоқа хизмати кўрсатилди, самарадорлик эса 50 фоизни ташкил этди.

Алоқа соҳасига янги техникаларни жорий қилиш борасида катта ишлар амалга оширилди. Тошкент шаҳрида 20 тага яқин рақамли АТС фойдаланишга топширилди. Сирдарё, Бухоро, Андижон, Самарқанд ва Қашқадарё вилоятларида ҳажми 150 минг рақамли телефон станциялари ишга туширилди.

Транс-Осиё-Европа кабель магистралида қурилиш ишлари олиб борилмоқда, ҳозиргача Тошкент-Самарқанд-Бухоро-Олот йўналишида 650 километрдан кўпроқ жойга шиша толали кабель ётқизилди. Алоқа вазирлигининг тармоқни ривожлантириш ва илғор технологияларни жорий қилиш борасидаги режали дастурини амалга ошириш натижасида қурилиш-пайвандлаш тадбирларида 1,2 миллиард сўмлик ишлар бажарилди.

Почта алоқасида аҳолига хизмат кўрсатиш даражасини барқарорлаштириш ишлари давом эттирилди. Ўтган йили истеъмолчиларга 10 миллионга яқин хат, 29,9 минг дона почта жўнатмалари, 1,7 миллионта шошилинчномалар етказиб берилди, халқаро ва шаҳарлараро сўзлашувлар сони 55,6 миллионтани ташкил этди. 1996 йили почта хизмати кўрсатиш ҳажми камайишини тўхтатиб қолишга муваффақ бўлинди.

Халқаро ҳисоб-китоб ва шартномалар маркази томонидан қатор мамлакатлардан дебитор қарзларни ундириб олишга эришилди.

Радио ва телевидение корхоналари, ўқув юртлари, илмий-тадқиқот маркази ва бошқа тармоқ корхоналари белгиланган тартибда фаолият кўрсатди. «Промсвязь» Ҳиссадорлик Жамияти ва Лойиҳа конструкторлик бюросининг 40 фоиздан кўпроқ маҳсулоти экспорт қилинаётгани диққатга сазовордир.

Маърузачи ўз нутқида ўтган йили Алоқа вазирлиги томонидан корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш борасида талай ишлар бажарилганлигини айтиб ўтди. Қатор корхоналар мулкчилик шаклини ўзгартириб,ҳиссадорлик жамияти ва қўшма корхоналарга айланди. Ҳозирги кунда тармоқда хорижий ҳамкорлар билан биргаликда ташкил этилган 9 та қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда, бу корхоналарда 700 нафардан кўпроқ ходимлар меҳнат қилаётган бўлса, улар томонидан 2,3 миллиард сўмлик алоқа хизмати кўрсатилди. Ўтган йили германияликлар билан ҳамкорликда «Чирком», уяли алоқа соҳасида малайзияликлар билан «ЎЗМАКОМ», англиялиқлар билан «Бузтон» қўшма корхоналари тузилди. Индонезиянинг «Бакри групп» фирмаси билан ҳамкорликда Сурхондарё, Самарқанд, Қашқадарё ва Жиззах давлат электралоқа ишлаб чиқариш корхоналари негизида ҳиссадорлик жамияти ташкил қилинди. Италия ва Германия ишбилармонлари билан ҳамкорликда «Удинет» корхонаси тузилаётган бўлса, Фарғона водийси электралоқа корхоналари негизида Жанубий Кореянинг «ДЭУ» фирмаси билан қўшма корхона тузиш имкониятлари кўриб чиқилмоқда.

Алоқа вазири ўз маърузасида меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва амалиётга тадбиқ этиш масалаларига ҳам алоҳида тўхталди. Бу борада айниқса лицензиялаштириш ва сертификатлаштириш бўйича қабул қилинган ҳужжатлар муҳим аҳамият касб этади. 1997 йилнинг 1 январига қадар Алоқа вазирлиги томонидан 56 нафар юридик шахсларга алоқа соҳасининг турли хил фаолияти учун 75 та лицензиялар берилди. Шунингдек, Алоқа вазири соҳа фаолиятида йўл қўйилган хато ва камчиликларнинг асл сабаблари ҳақида гапириб, бу борада аниқ далиллар келтирди. Электралоқа корхоналарида ҳалиям катта миқдорда дебитор қарзлар мавжуд. Айрим корхона раҳбарлари чет эл фирмалари билан шартнома тузишда сусткашлик қилишган ва ўз вақтида улар билан ҳисоб-китоб ишларини амалга оширишмаган.

«Соҳада ҳали-ҳамон маркетинг хизмати фаолиятини мувофиқлаштириш борасида аниқ меъёрий ҳужжат йўқ, — деди А. Жўрабоев, — Вазирлик вакиллари қўшма корхоналардаги кузатув кенгашларида ўз вазифаларини бажаришмаяпти».

Ҳайъат йиғилишида Давлат алоқа назорати бошлиғи Ш. Исломов, Республика радиоэшиттиришлар, радиоалоқа ва телевидение ишлаб чиқариш бирлашмаси бошлиғи К. Усмонов, Тошкент шаҳар телефон алоқаси ва радиолаштириш ишлаб чиқариш бирлашмасининг бошлиғи Ш. Одилов, Фарғона давлат почта алоқа корхонаси бошлиғи Н. Каримов, «Ўзбектелеком» концерни раиси Т. Бикметов, Ўзбекистон алоқа ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитасининг раиси Т. Назаржонов, Самарқанд алоқа кўчма механизациялашган жамланмаси бошлиғи Ш. Носиров, Тошкент электротехника Алоқа институти ректори Т. Ражабовлар сўзга чиқишди.

Ҳайъат ишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари К. Р. Раҳимов қатнашди ва нутқ сўзлади.

Кўрилган масала юзасидан қарор қабул қилинди.

Ҳайъат йиғилишида кўрилган ва қабул қилинган қарорнинг асосий моҳияти иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, Ўзбекистон алоқа тизимини тараққий эттиришга қаратилгандир.

***А. КУДИНОВ***

## ЙИҒИЛИШ ЎТКАЗИЛДИ

Тошкент шаҳар телефон алоқаси ва радиолаштириш ишлаб чиқариш бирлашмасида бўлиб ўтган йиғилишда 1996 йилги молиявий иш якунлари, республикада 2010 йилгача мўлжалланган телекоммуникация тармоқларини ривожлантириш ва такомиллаштириш Миллий дастурининг қай тарзда бажарилаётгани ҳамда аҳолидан тушган ариза ва шикоятлар бўйича қандай ишлар олиб борилгани каби масалалар кўриб чиқилди. Унда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Транспорт ва алоқа бўлими бошлиғи Ғ. Қосимов, Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазири А. Жўрабоев, «Ўзбектелеком» концерни раиси Т. Бикметов, Давлат алоқа назорати бошлиғи Ш. Исломов, Ўзбекистон алоқа ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитасининг раиси Т. Назаржоновлар иштирок этишди.

Ўтган йил якуни, «Миллий дастур» ва дебитор қарзлар хусусида Тошкент шаҳар телефон алоқаси ва радиолаштириш ишлаб чиқариш бирлашмаси бошлиғи Ш. Одиловнинг ҳисоботи тингланди. Бирлашманинг назорат хизмати бошлиғи Б. Мирзааҳмедов ариза ва шикоятлар, шунингдек Давлат алоқа назорати текшируви натижалари бўйича қандай ишлар олиб борилгани ҳақида ахборот берди.

Муҳокамада Т. Бикметов, Ш. Исломовлар сўзга чиқдилар. Йиғилишда Алоқа вазири А. Жўрабоев сўзга чиқиб, ишга бундан буён танқидий кўз билан қараш лозимлигини, бирлашмада ўтган йили қўлга киритилган ютуқлар билан бирга камчиликлар ҳам борлигини алоҳида таъкидлади.

Йиғилишда кўрилган масалалар юзасидан қарор қабул қилинди.

***С. АЪЗАМОВ,***
***жамоатчи мухбир***

## ОЛАМДА НИМА ГАП?

**● ЯНГИЛИКЛАР ● ВОҚЕАЛАР ● ХАБАРЛАР**

● Муборак Рамазон ойи муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов номига икки муқаддас масжид ходими Саудия Арабистони подшоҳи Фаҳд бин Абдулазиз Ол Сауд, Бирлашган Араб амирликлари Президенти Зоид бин Султон Ол Наҳаён, Гамбия Республикаси Президенти полковник Яҳё А. Й. Й. Жаммелардан табрик шошилинчномалари келди.

● **Вазирлар Маҳкамасида Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш республика ташкилий қўмитасининг навбатдаги мажлиси бўлди. Унда бу тадбирга алоқадор бўлган вазирликлар, идоралар ва ташкилотларнинг раҳбарлари иштирок этди.**

● «Нотариат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни амалга киритилди.

● **Мамлакатимизда Ўзбекистон Қуролли Кучлари ташкил қилинганлигининг 5 йиллиги байрам қилинди.**

● Ҳамдўстлик давлатлари раҳбарларининг бугун 17 январда Москвада ўтказилиши мўлжалланган учрашуви январь ойининг охирги кунларига кўчирилди.

● **Туркманистонда Хотира куни нишонланди.**

● Белоруссия Президенти Александр Лукашенко ижроия ҳокимиятнинг олий табақасига янги раҳбарлар тайинлашни бошлади.

● **Ўтган йили Ёқутистонда олтин қазиб олиш қарийб уч тоннага камайди.**

● 13 январда россиялик журналистлар ўзларининг касб байрамларини нишонлашди.

● **Гаагада грузин-абхаз музокаралари бўлди. Делегациялар можарони бартараф этиш мақсадида мулоқотларни давом эттиришга келишиб олдилар.**

● Эрон ташқи ишлар вазири Али Акбар Вилоятий Италия ташқи сиёсат маҳкамаси раҳбари Ламберто Дини ҳамда Италия вазирлар кенгаши раиси Романо Проди билан учрашди.

● **Римда жуда ҳам махфий вазиятда Босниянинг Брчко шаҳрининг бўлажак мақоми тўғрисида музокаралар давом этмоқда.**

# МАҚСАДЛАР УЛУҒВОР БЎЛСА...

***Бугунги кунда электралоқа соҳасида сезиларли ўзгаришлар содир бўлмоқда. Эски АТСлар замонавий рақамли электрон АТСларга айлантирилмоқда. Бозор иқтисодиёти шароитида қўшма корхоналар тузилмоқда. Бу янги корхоналар бугунги кун талабига жавоб берадими? Ана шу масалалар хусусида мухбиримизга Алоқа вазирлиги электралоқа корхоналари фаолиятини бошқариш ва мувофиқлаштириш бўлими бошлиғининг муовини Ҳакимжон ОДИЛОВ қуйидагиларни сўзлаб берди.***

— Бизнинг бўлим Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг республика телекоммуникация тармоқларини 2010-йилгача ривожлантириш ва такомиллаштириш Миллий дастурига кўра электралоқа соҳасида қатор ишлар олиб бормоқда. Маълумки, кўпгина вилоятларда «ДЭУ-Телеком» компанияси билан ҳамкорликда АТСлар замонавий рақамли электрон АТСларга ўтказилмоқда. Бундан ташқари республикамизда «Ўздунробита», «Камалак-ТВ» ўзбек-америка қўшма корхонаси тузилди. Қейинроқ «Алоқа-ДЭУ» ўзбек-корейс қўшма корхонаси ташкил этилиб, юқори сифатли технологик асбоб-ускуналар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Жумладан, уяли телефон тармоқларини янада ривожлантириш мақсадида «ЎЗМАКОМ», «Рубикон», «Коском» каби қўшма корхоналар ҳам айни кунда фаолият кўрсатиш учун лицензия олишди. Хўш, тузилаётган қўшма корхоналар бугунги кун талабига жавоб берадими? Бизнинг бўлим «Ўзбектелеком» концерни билан биргаликда янги тузилаётган корхоналар фаолияти, иш режасини атрофлича ўрганиб чиқиб, ўз таклифларини билдиради. Агар уларнинг мақсадлари улуғвор бўлса, биз уларга хайрихоҳмиз.

Албатта, ютуқлар билан бир қаторда ечимини кутаётган муаммолар ҳам бор. Кейинги пайтларда станцияларaро телефон линияларининг аҳволи бирмунча ёмонлашган. Кўпгина алоқа линияларига сув кириб кетиши ва бошқа сабабларга кўра линиялар жиддий таъмирланишга муҳтож. Кечки пайт шаҳардаги айрим телефон станцияларида абонентларнинг бир-бирларига қўнғироқ қилишлари кўпайгани боис линия симлари бу оғирликни кўтаролмаяпти. Натижада абонентлар керакли жойга туша олмай, 4-5 марталаб қайта-қайта телефон қилгандан сўнггина ўз муддаоларига эришяптилар. Бундай оворагарчиликлар абонентларга маълум қийинчиликларни туғдиряпти. Шунинг учун Тошкент шаҳридаги барча телефон станцияларини бир-бири билан боғлаш, уларни такомиллаштириш, шиша-толали станциялараро алоқа кабелини ётқизиш бўйича вазирлик, «Ўзбектелеком» концерни ҳамда Тошкент шаҳар телефон алоқаси ва радиолаштириш ишлаб чиқариш бирлашмаси билан ҳамкорликда иш олиб бормоқдамиз. Ўйлаймизки, бу хайрли ишлар биринчи ярим йилликда тугалланади.

**Суҳбатни**
**Солиҳ ЗОИР ёзиб олди**

# ЯНГИЛИК ҚЎЛ КЕЛМОҚДА

Почта алоқаси хизматини ривожлантириш, аҳоли ишончини қозониш кўп жиҳатдан почтачининг тинимсиз, ҳалол ишлашига боғлиқ.

Наманган шаҳри почтачилари қўшимча хизмат турларини ташкил этиб, иқтисодий жиҳатдан иш самарадорлигини муттасил ошириб боришга эришмоқдалар. Корхоналар ўз-ўзини маблағ билан таъминлашга ўтаётган бир шароитда баъзи бир камчиликлар бизни ҳам ташвишга солиб қўйди. Мавжуд муаммоларни ҳал этиш учун барча шаҳар ва туман алоқа боғламалари раҳбарлари билан биргаликда қўшимча чора-тадбирлар белгиладик. Барча алоқа бўлимлари хазинасидаги хазина лимитлари қайта кўриб чиқилиб, хабарчиларга бериладиган мадад пуллари миқдори ва йўналиш масофасига қараб 1, 2, 3 мартали нафақа пулларини тарқатиш жадвали ишлаб чиқилди.

Ана шу тузилган жадвалга асосан марказий хазинадан мадад пуллари жўнатилиши йўлга қўйилди. Барча нафақа тўлов варақаси марказий боғламага йиғилиб, кунлик тўлов суммасига қараб алоқа бўлимига жўнатилади. Буни боғламада ташкил этилган назорат бўлими назорат қилади.

Қайсидир сабаб билан ҳисобот ўз вақтида етиб келмаса, нафақа бўлими назоратчилари зудлик билан шу бўлимга бориб, бу ишга аниқлик киритишади.

Давлат мулкини сақлаш кўп жиҳатдан кунлик почта хизматидан тушаётган нақд пул миқдорини назорат қилишга боғлиқ. Бугунги кунда почта хизмати асосан хат-хабарлар, пул жўнатмалари, жўнатма ва бандероллар, почта маркалари билан шуғулланмоқда. Айни чоғда почтачиларнинг хонадонларга бориб, электр қуввати ва телефон хизматидан фойдаланганлик ҳақини ҳам қабул қилишлари аҳолига қулайлик яратмоқда.

Алоқа бўлимларида нақд пул тушуми ортиб бораётганини ҳисобга олиб, беш кунлик ҳисоботга ўтишга тўғри келди. Ҳисоботчилар томонидан бир ҳафталик кирим-чиқим ҳаракати варақа бўйича бошланғич ҳужжатлар асосида солиштириб чиқилиб, ҳафталик нақд пул ҳаракати назорат қилиб бориладиган бўлди.

Жойларда нақд пул тушуми қийинчилиги, нафақа пулларининг тўланиши 2-3 ойлаб кечикиб кетиши каби ҳолатларда бу усул қўл келмоқда.

Мазкур усул алоқа бўлимлари бошлиқлари учун бир оз қийинчилик туғдириши мумкин. Боғламаларда ҳар бир тўлов қоғози ҳамда нақд пул тушумининг беш кунлик ҳисоботини ўрганиб чиқиш қўшимча иш бўлса-да, аммо унинг самараси кўп бўлади.

Бир сўз билан айтганда Наманган давлат почта алоқа корхонасининг жойлардаги боғламалари ишни тўлақонли ташкил этишга, аҳолига почта хизмати маданиятини муттасил ошириб бориш йўлида астойдил меҳнат қилишга аҳд қилганлар.

***Ю. НАЖИМОВ,***
***Наманган шаҳар почтамти бошлиғи***

*• РАНЖНОМА*

# НЕГА ТЕЛЕФОНИМ ИШЛАМАЙДИ?

**«Хабар»чи болам, биласанми, умримда бирор жойга шикоят қилиб бормаганман. Аммо 7-8 йилдан бери уйимдаги телефоннинг кўнгилдагидек ишламаслиги дарду-ҳасратларимни айтишга мажбур қилди. Бошимдан жуда кўп қийинчиликлар ўтди, қаҳатчилик йилларини кўрдим. Барчасига сабр-тоқат билан чидадим, 9 нафар фарзандни вояга етказиб, уйли-жойли қилдим. Ҳозирги кунда жуда кўп невара, чевара, эвараларим бор. Чолимнинг вафотига 14 йил бўлди. Қизим ва икки неварам билан ҳовлида яшайман. Телефон рақамим 93-02-83. Бу телефон ўлгурни ҳам ким билан дир параллел қилиб қўйишган. Фарзандларимга қўнғироқ қилай десам, телефон бир кун ишласа, бир неча кун ишламайди. Қариганда бирон жойга боролмасам, 79 ёшга кирдим. Овунчоғим шу телефон бўлиб қолган. Аммо телефонимизнинг аҳволи мана бунақа. Дардимни кимга айтишни ҳам билмайман.**

**Янгиобод телефон тармоғининг бошлиғи Жамол Орипов деган йигит экан. Болаларим телефон яхши ишламаётганидан шикоят қилиб унинг ҳузурига бир неча марта боришди. Бироқ у мендек кекса одамнинг дуосини олишни ҳам истамади. Уни ҳам уйида онаси бордир. Охирги марта мен билан яшайдиган қизим Муҳаббат ўша Ж. Ориповга бориб, телефон яна ишламаётганини айтса, унга қўпол муомала қилибди. Ўтган йили телефон пулини йил охиригача тўлаган бўлсакда, телефонимиз ноябрь, декабрь ойларида ишламади. Янги йил бошидан буён ҳам аҳвол ҳамишагидек. Қўшниларимиз уйидан телефон қилайлик десак, уларнинг ҳам телефонлари яхши ишламайди. Ўғлим Р. Назармуҳамедов Алоқа вазирлигидаги қабулда бир неча марта бўлди. У ёқдан текширишгандан кейин телефонимиз бир-икки кун ишлайди-ю, яна жим бўлиб қолади.**

**Менга ўхшаган бир мушфиқ онанинг кўнглини оғритишдан кимга фойда экан. Ҳадисларда ҳам бир-бирларингизга яхшилик қилинглар дейилган-ку! Билмадим, бу ҳол қачонгача давом этади? Наҳотки битта қария онанинг телефонини тузатиб бериш шунчалик қийин бўлса!**

***Бибижон НАЗАРМУҲАМЕДОВАнинг дарду ҳасратларини «Хабар»чи бола ёзиб олди, Тошкент шаҳри***



***Тошкентбошқурилиш алоқа бошқармасининг АТС электромантўри Марина МИТИНА ўз вазифасини сидқидилдан адо этиб келмоқда.***

***Суратқаш Т. ЛУТФУЛЛАЕВ***

## ТАБРИКЛАЙМИЗ!

***ҲУРМАТЛИ ЙЎЛДОШЕВ ФАРҲОД ЙЎЛДОШЕВИЧ!***

***Сизни таваллуд аёмингиз — муборак 50 ёшга тўлишингиз муносабати билан чин қалбдан табриклаймиз. Сизга узоқ умр, сиҳат-саломатлик тилаймиз.***

***Эҳтиром ила рафиқангиз, фарзандларингиз ва невараингиз.***

***Тошкент шаҳри***

# НАФАҚАГА КУЗАТИЛДИ

Боғдод тумани почта алоқа боғламасида шу соҳада узоқ йиллар самарали меҳнат қилган инсонларга иззат-ҳурмат кўрсатиш одат тусига кирган. Яқинда корхонанинг касаба уюшмаси қўмитаси ҳамда маъмурияти умрларини алоқа хизматига бахшида этган Қаҳрамонжон Мадаминов, Раҳмонали Маҳмудов ва Маҳмуджон Деҳқоновларни нафақага тантанали равишда кузатдилар.

Бир пиёла чой устида ўтказилган тантанада ҳокимликдан ташриф буюрган вакиллар ва отахонлар ҳамда меҳнат фахрийлари нафақага чиқаётган алоқачиларнинг беминнат хизматлари ҳақида дил сўзларини айтдилар, уларга совғалар топширдилар.

***Қ. ТУРСУНОВ,***
***Фарғона вилояти***

**«Ўзбектелеком» концерни ҳамда «Алоқаинвест» Ҳиссадорлик Жамияти жамоалари Шаҳарлараро алоқа ва телевидение худудий ишлаб чиқариш бирлашмаси бошлиғи Т. Оразбоевга онаси**

**Махбал СЕРИКБАЕВАнинг**

**вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.**

**«Ўзбектелеком» концерни жамоаси хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқариш бўлими бошлиғи F. Каримовга акаси**

**Қадамбой КАРИМОВнинг**

**вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.**

